

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

«Муҳандислик коммуникациялари қурилиши» кафедраси

**«ГАЗ ТАЪМИНОТИ АСОСЛАРИ»  
фанидан**

**Тажриба машғулотларини ўтказиш учун  
услубий кўрсатма**

5140900 - «Касб таълими» йўналишларида таълим олаётган талабалар учун  
мўлжалланган.

Наманган - 2007

Мазкур «Услубий кўрсатма» 5140900 «Касб таълими» йўналишида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, «Газ таъминоти асослари» фани бўйича ўқув-ишчи дастурига мувофиқ тажриба машғулотлари мавзуларини ўз ичига олган. Унда мухандислик жихозлари ва тизимларидан фойдаланишни ташкил қилиш, бу йўналишдаги ўзгаришлардан янада самарали фойдаланиш имконини беради ҳамда муаммолар атрофлича ёритиб берилган.

Услубий күрсатма «Мұхандислик коммуникациялари қурилиши»  
кафедраси йиғилишида күриб чиқылған ва маъқулланған. Мажлис баёни № \_  
« » 2006 й

Услубий күрсатма институт илмий-услубий кенгашида күриб чиқилган  
ва чоп этишга рухсат этилган.

Мажлис баени № « » 2006 й

Муаллиф: к. ўк. Атамов А.А.

Тақризчилар: доц. Рашидов Ю.К. (ТАҚИ)  
доц. Асадуллаев А. А.(ТАҚИ)

## ТАЖРИБА ИШИ № 1

### Мавзу: Газоанализатор ёрдамида газ таркибини аниқлаш


#### 1. Қурилма жиҳозлари ва номланиш.

Газларни ёнувчи қисмини ва таркибини аниқлаш учун газоанализатор қурилмалари хизмат қиласи ҳамда улар: кўлли ва автоматик бўлади. Кўллик газ таркибини аниқловчи асбоб назорат ва тажриба вақтида ўлчайди, автоматли эса ишлаб чиқаришдаги қурилмалардаги газни таркибини аниқлашда фойдаланилади.

+ўллик газоанализатор олиб юрувчи қурилмадир, уни аниқлаш даражаси юкори ва аниқ. +озон агрегатларни синашда кенг қўлланилади ва бундан ташқари автоматик газоанализаторни текширишда ҳам ишлатилиади. Газоанализаторлар ишлатилишига қараб бўлинади қисман ва тўлиқ газни таркибини аниқловчи қурилмаларга.

Тўлиқ анализ қисмиди В.Т.М – 2 кимёвий қурилманилади. +исқа анализ қилинади кўпроқ олиб юрувчи Г.Х.П.-3 м қурилмаси ўлчови бюретка (I) ҳажмини  $100 \text{ см}^3$ , капиляр қувур (4) орқали боғланнинг краннинг (10,12,14) ва (5) идишнинг (9.10.15) рухсат этилиш, суюқлик ва жойда чиқарувчи пробка. Текширилётган газни тегиш сатхини кўпайтириш учун шиша найчалар (16) билан тўлдирилган. Ўлчов бюреткаси (I) газнинг сўриш (3) суюқликни кўтариши ва тушишда ҳосил бўлган бюретка остки қисмига резинка трубка билан бириккан.

Ноксимон резина (8) тажрибадан олдин (6) ва (7) қувурдаги ҳавони сўриш учун хизмат (6) ва (7) қиласи. Ўлчов бюреткаси (I) кенг шишали қувур (2) га жойнинг, сув билан тўлдирилган газни ҳажмини бир хил ҳароратда ҳажмини ўзгартирмайди. Ёқилғини тўла ёнишида сўнувчи қисми азот  $N_2$ , кислород  $O_2$ , углерод икки диоксиди  $CO_2$  сув буғи  $H_2O$  ва буғни ташқари ёқилғини ёнувчи олтин гугурт гази  $SO_2$ .



ГХП-3М газоанализаторини қурилмаси

Ёқилғини тұла ёнимаганда қүшімча углерод оксид-СО, водород-Н<sub>2</sub>, метан СН<sub>4</sub> ва бошқа углерод ташкил этади. Газанализатор ГХП-3 орқали (O<sub>2</sub>, CO<sub>2</sub> CO ) ни фойизли таркибини аниклаймиз. CO<sub>2</sub> ўтириб қолади унинг 33% сувдаги эритмани ишлатилиши 9-идишдаги O<sub>2</sub> ушлаб қолиш учун ишқорли эритма ишлатилади. Кранга (14) сўрувчи идиш (15) аммиакли эритма полихлорли мис бириктирилса, CO сўриш учун хизмат қолади.

## 2.Тажриба ўтказиш.

Тажрибани бошлашдан аввал қурилмани герметичликка текширилади, бунинг учун уч йўлакли кран (5) қўйилади. 17 ҳолатида, бюреқа (I) дан ҳавони сиқиб чиқаради. Шиша (3) идишни шу даражада кўтарилилади, сув сатҳи бюреткадаги 1000 рақамига бюретка боргунча.. Бундан сўнг кранни (5) 16 ҳолатга келтирилади ва кран (10) очилади, сўнг шиша идишни (3) ҳушёрлик билан реактив сатхини кўтарилилади. Бирлаштирилган идиш кран билан кранни (10) беркитлган шиша (10) идишни столга қўйилади.

Вақти ўтиши билан идишдаги сув сатҳи пасаймайди. +урима герметикли, агар қурилма носоз бўлса, сатхини нотўғри кўрсатса, шиша найларни беркитилган жойлари ҳолатида кранлларни тұла бекилишини текшириш. Бюретка (I) газ билан тўлдиришдан олдин ундаги ҳавони сиқиб чиқаради. Кранни (5) очиб 18 ҳолатига қўйилади ва сувни сатхини бюреткадаги 100 рақамларгача кўтарилилади кетиш кран (5) 16 ҳолатига қўйилади ва кран (5) газни 8 пасайишини резина билан сўрилади.

Бюреткани газ билан тўлдирилса, учун кран (5) 17 ҳолатига қўйилади ва шиша (3) идишни тўлдирилади. Бюреткадаги сув сатҳи 0 ҳолатига келтириш шиша идишни шундай ушлаш керак ундаги суюқлик бюреткадаги суюқлик сатҳи билан тенг бўлиши керак. Кран (3) 16 ҳолатига бурилади ва идишида (9) CO<sub>2</sub> сўриш бошланади. Бунинг учун кран (10) очилади ва шиша (3) идиши юқорига кўтарилиди. Газ идишига (9) сиқиб чиқарилади кейин 3 пастга тўлдирилиб бюретка (I) газ сўрилади. CO<sub>2</sub> тұла сўриб олиш учун 7-8 марта ўтказиш. Охирги марта реактив конларидағи кўрсаткичга кранда (10) ва уни беркитилади.

Бюретка (I) шиша идишдаги суюқлик сатхига тенглаб босим бўйича ҳисобли бюретка пастки қисмида углекислотний газни сўриш см<sup>3</sup> билан. Газни тұла сўрилганини текшириш учун газни идишдан (9) ҳайдалади ва яна бошқа ҳисоб олинади. Агар у ўзгармаган бўлса, қолгани яна шу ҳолатда идиш (II) орқали ўтказилади. Янги ҳисоб углекислород газни ва кислородга ҳажмий йиғиндиси билан см<sup>3</sup> Олинган натижаларни жадвалга ёзилади.

№	CO %	(CO+O) %	CO <sub>2</sub> %	%
1				
2				
3				

CO аниклаш учун газни идиш (15) орқали ўтказилади кейин идишда(9) аммиакни буғи тиндириш йўли билан аникланади.

III. Тажриба натижаларига күра ҳавони ортиқча коэффицентини аниқлаш.

Ёқилғини ёниши учун керак бўладиган ҳақиқий ҳавони шу ёқилғини ёниш учун назарий ҳисобланган ҳавога нисбати ҳавони ортиқча коэффиценти дейилади.

$$\alpha = \frac{V}{V_o}$$

Бу ерда:  $V_0$ - 1 кг ёки  $1 \text{ m}^3$  ёқилғини тўла ёниш учун зарур бўлган назарий ҳавони ҳажми;

$V$ -1 кг ёки  $1 \text{ m}^3$  ёқилғи ёниши учун ҳақиқий берилган ҳавони ҳажми. Ҳавони ортиқча коэффицентини қуидаги формула орқали аниқланади.

$$\text{Тўла ёнганда: } \varepsilon = \frac{I}{I - 3,76 \frac{O_2}{N_2}}$$

Бу ерад:  $O_2$  ва  $N_2$  -кислород ва азотни фойизли қиймати.  
Тўла ёнмагандан.

$$\alpha = \frac{I}{I - 3,76 \frac{O_2 - 0,5CO}{N}}$$

бу ерда: CO-ёнувчи махсулот учун углерод оксидини таркиби.  
Агарда ёнувчи махсулотдаги CO таркиби газоанализатор билан аниқланмаса CO қиймати қуидаги формула билан аниқланади.

$$CO = \frac{(21 - \beta CO_2) - (CO_2 + O_2)}{0,605 + \beta}, \%$$

Бу ерда:  $\beta$  - ёқилғи турига боғлиқ коэффицент, метан учун (табиий газ )  $\beta = 0,79$ . Таркибидан пропан бўлган сиқилган газ учун  $\beta = 0,5$

#### IV.Хисоб

Хисоб қуидагича бўлиши керак.

- +урилмани қисқача тушунтирув ёзуви ва схемаси.
- Тажриба натижаларини жадвалга ёзиш.
- Ҳавони ортиқча коэффицентини аниқлаш орқали ҳисоблаш.

### ТАЖРИБА ИШИ № 2

#### Ер ости тармоқларининг емирилишдан ҳимоя қилиши.


Ер ости пўлат иншоотлари, шу жумладан газ тармоқлари ўртacha бўлмаган муҳитда асос билан ўзаро таъсир этишиш натижасида электро-кимёвий емирилади. Металларнинг электр кимёвий емирилиши иккига бўлинади. Табиий ва дайди токлар натижасида емирилиш, бу муҳитдаги дайди токлар натижасида асосда ер ости иншоотлари қурилмаларини бузилиши билан характерланади.

Металларни емирилишдан сақлаш учун турли хил кураш усуллари мавжуд; уларни устини қоплаш, металл химоялар билан, плёнкалар билан ва ҳоказо (химояни оддий усули), шу жумладан актив химоя қурилмалари ёрдамида емирилиш жараёнини ва металлар емирилишини олдини олинади. +утбланган электрик дренаж ер ости коммуникацияларини емирилишдан актив химоялашни энг кўп тарқалган усулларидан биридир. Бу усул металларни дайди токлар натижасида емирилишдан сақлаш учун курашнинг энг кўп қўлланиладиган усулларидан биридир.

**Ишдан мақсад** - қурилма ва қутбланган дренажнинг иши билан танишиш, ҳамда газ тармоғидаги токнинг оқимини ер ва асосдаги қаршиликлар билан боғланишини аниқлаш.

### Тажриба ўтказиш қурилмаси.

Тажриба қурилмаси бевосита ишлайдиган электрик дренаж моделидан иборат.(1-расм)




1-расим

Тажриб қурилмаси схемасидаги қувур (2) емирилишга қарши сақич резина билан химояланган, ер остига жойлаштирилган 0...10 В гача кучланиш махсус потенциометр (6) орқали ўзгартирилади ва ток манбаидан (1) тармоқ (2) га узатилади.

Ток ўтувчи занжирга химоя блоки (5) уланган. Параллел ҳолатда миллиамперметр (4) уланган, ўтаётган токни қийматини ўлчайди. Бундай қурилма емирилишни электр кимё услубини кўрсатади ва қутбланган дренажни ишлашини намойиш қиласди.

2-расим қутбланган дремажнинг электрик схемасини намойиш қиласди.  $K_1$  улагични ишлатиш билан ток манбаидан тармоқ билан ер ўртасида потенциаллар фарқи пайдо бўлади  $\Delta U_1$



2-расм. +утбланган дренажнинг электрик схемаси.

Агар тармоқда ҳимоя емирилган бўлса потенциаллар фарқи натижасида электронлар метал тармоқдан ерга ўтади, бу эса емирилишга сабаб бўлади. Бундай системани иш услуби дайди ток ёрдамида элекрокимё емирилишни моделини кўрсатади. Тармоқ билан ер ўртасидаги ток микдорини миллиамперметр ёрдамида ўлчанади. Улар ўртасидаги потенциаллар фарқи  $\Delta U_1$  к 7,5 В етганда ўтаётган ток микдори қурилма учун хавфли бўлиб қолади. Шу вақтда реле ишлаб  $K_2$  контактни улади, ток эса  $R_1$  қаршилик орқали ўтиб  $L_1$  лампочкани ёқади ва натижада ток камаяди. Ўтказгич занжирига кетма-кет уланганда бошқарилган қаршилик  $R_2$  ва диод  $D_1$ ,  $C_1$  кондензатор ёрдамида токнинг бир йўналишда ўтишини таъминлайди. Ер остидаги потенциаллар фарқи  $R_4$  қаршилик ёрдамида бошқарилади. Ҳимоя блокини ишлаганлигини Л лампочка орқали кузатилади.

### Тажрибани ўтказиш методи.

Металларни электрик емирилиш натижасида емирилиши жуда қўп омилларга боғлиқ: Металлни тузилиши ва кимёвий таркибига кўра (тоза металлар аралашмасига қараганда емирилишга чидамлироқ) ҳимоя қопламасига, асоснинг емирилишга таъсири ва хоказо. Дайди токлар таъсирида емирилишда бош омилни аниқловчи металларни бузилиш тезлиги токни ўтиш кучи ҳисобланади. Бу токнинг аҳамияти биринчи навбатда потенциаллар фарқи қувур ер ва асос қаршилигидан иборат. Боғланишни 1- формулада кўрсатилган:

$$I = \frac{U_{T-3}}{\tau_{cym}} \quad (1)$$

Бу ерда  $U_{T-3}$  қувур ер потенциаллар фарқи дайди токлар манбаси кучидан ва табиатидан иборат, В;

$\tau_{cym}$ - оқим ўтаётган асос ва қувур қаршилиги, Ом

$$\tau_{cym} = \tau_{tp} + \tau_{gr} \quad (2)$$

бу ерда  $\tau_{\text{тр}}$ -қувур қаршилиги, Ом  
+увурдан ўтаётган токнинг қаршилиги ернинг қаршилигига солиширилганда аҳамиятли, шунинг учун амалда ҳисоблаганды эътиборга олинмайди.

Ернинг қаршилиги қуйидаги омилларга боғлиқ: кимёвий таркибига, намликка, зичликка, минерал тузларнинг миқдорига, органик моддаларга ва ҳоказо. Асос таркибининг емирилиши солиширма электр қаршилик билан характерланади  $\rho_{\text{тр}}$

Ернинг умумий қаршилиги қуйидаги формула билан ифодаланади, Ом.

$$\tau_{\text{тр}} \propto \rho_{\text{тр}} \circ \ell \quad (3)$$

бу ерда  $\rho_{\text{тр}}$  - ернинг солиширма қаршилиги Ом/м;

$\ell$  - қувурдан иссиқлик қабул қилувчигача бўлган масофа.

Ернинг солиширма қаршилиги 5 дан 300 Ом/м оралиқда тебранади.

+уруқ қумли ва тошлок ерлар унча катта бўлмаган солиширма қаршиликка эга. Тажриба қурилмасида ернинг қаршилиги резистор орқали амалга оширилади.

### Ишни бажариш тартиби.

$R_1; R_2; R_3$ ; ва  $R_4$ ; резистор банддини бошланғич ҳолатга қўяшимиз. Истеъмолчи манбаи  $K_1$  ни ёқамиз,  $R_3$  резистор банддини 10 Ом ҳолатига қўяшимиз. Потенциометр ёрдамида потенциаллар фарқи қувур ерни 2 В гача оширади.

Амперметр ёрдамида олдинги панель ҳимоя блоки жойлашган, токнинг ўтишини аниқланг. Натижаларни 1-жадвалга ёзамиз. +увур ер потенциаллар фарқини 4 В гача оширамиз ва токнинг оқиши миқдорини аниқлаймиз.

+увур ер потенциаллар фарқини ҳар 2 В оралиғида ошириб бориб,  $R_3$  қ 20 Ом қаршиликни резистр орқали ўрнатамиз ва ўзгариш киритамиз.

Ишларни  $R_3$  қ 30,60,90,100 Ом миқдорлар учун ҳам қайтарамиз.

Ўлчанганди натижаларни жадвалга ёзамиз.

Тажриб а	Ернинг қаршилиги	Ток оқиб ўтишидаги қувурнинг ер потенциаллар фарқи			Ҳимоя блоки кучланнишини ёқиши	Токнинг оқиши, МА	
		2 В	4 В	6 В		ток ёқилгунча	ток ёқилгандан сўнг

1						
2						

### **Натижалар устида ишлаш.**

1. Жадвалга асосланиб боғланиш графигини қурамиз.
- а). Ток оқиб ўтишидаги қувурнинг ер потенциаллар фарқи Р к 10,20,30,60,90,100 см бўғанда (битта графикда).
- б). Ҳимоя блокини ишлатишдан олдин ток оқимининг максимал натижасини ерга қаршилиги.
- в). Ҳимоя блокини ишлагандан кейин ток оқимининг ер қаршилиги.

### **ТАЖРИБА ИШИ № 3**


#### **Клапонли газ ҳисобловчини гидравлик қаршилигини ва ўтказувчанлик қобилиятини аниқлаш.**

Саноат корхоналари томонидан газ сарфини ҳисоблаш учун икки хил газ ҳисоблагичлари ишлаб чиқарилмоқда, улар:

- а). клапанли
- б). ратационли

Клапанли газ ҳисоблагичлар хўжалик вахонадон газ қурилмаларида газ сарфини ҳисоблаш учун ўрнатилади ва ишлатилади.

Ратационли газ ҳисоблагичлар саноат корхоналардаги газ сарфини ҳисоблаш учун ўрнатилади ва ишлатилади.



1-расм.

Клапанли газ ҳисоблагични гидравлик қаршилигини ва ўтказувчанлик қобилиятини аниқлаш учун ишлатиладиган тажриба қурилмасининг чизмаси. қувурга (1) клапанли газ ҳисоблагичдан олдин ва кейин пневмаметрли

қувурчалар (2 ва 6) пайвандланган. +увурчаларга (2 ва 6) шланглар ёрдамида кичик монометрлар (3 ва 7) уланган. +увурнинг (1) ўртасига ГК-6 типидаги клапанли газ ҳисоблагичга (4) уланган. Газ ҳисоблагичнинг ҳисобни кўрсатувчи рақамли кўрсаткичи (5) бор.

Газ қувуригининг охирига эквивалент тешиги бор темир диафрагма (8) қўйилган. Пневмометрик трубка (2) ва кичик монометр (3) ёрдамида ҳисоблагичдан олдин А нуқтадаги газнинг (ҳаво) босимлари фарқи  $P_1$  ва  $P_1^2$  ўлчанади. Пневмометрик қувурча (6) ва кичик монометр (7) ёрдамида эса ҳисоблагичдан кейинги Б нуқтадаги газ (ҳаво) нинг босимлари фарқи  $P_1$  ва  $P_2^2$  ўлчанади.

Кичик монометрлар билан ўлчашдан олдин уларни сатиҳлар бўйича мукаммал ўрнатилади.

Газли ҳисоблагичдаги (4) рақамли кўрсатгичдан (3) қийматлар маълум вақтлар оралиқларида олинади.

Газ қувуригининг ички диаметри ва темир диафрагмалар (8) эквивалент тешикларининг диаметрлари ўлчанади.

Клапанли газ ҳисоблагични гидравлик қаршилигининг катталиги ўлчанганди босимлар  $P_1$  ва  $P_2$  нинг фарқи билан аниқланади.

$$\Delta P \Leftarrow P_1 - P_2$$

Р нинг қийматига А нуқтадан ҳисоблагичгача ва ҳисоблагичдан Б нуқтагача бўлган газ қувуригининг гидравлик қаршиликларининг йифиндиси киради. Ҳисоблагичга газ берувчи қувурдаги газнинг тезлиги -  $\omega_A$  ва ҳисоблагичдан газ оловчи қувурдаги газнинг тезлиги -  $\omega_B$  ни  $P_1$  ва  $P_2$  ўлчанганди босимлар орқали аниқланади.

Газ берувчи ва газ оловчи қувурлар диаметрларининг tengлиги ва А ва Б нуқталари оралиғида газ олинишининг йўқлиги -  $\omega_A$  билан  $\omega_B$  нинг tengлигига олиб келади.

$$\omega_A \neq \omega_B$$

$\omega_A \neq \omega_B$  tengsizlik ўлчашлар ва ҳисоблашларда хатоликка йўл қўйилганини кўрсатади.

Газни харакатланиш тезлиги  $\omega$  қ  $\omega_A$  қ  $\omega_B$  ва газ қувуригининг ички диаметри  $D_{\text{иҷ}}$  га қараб клапанли газ ҳисоблагичнинг ўтказувчанлик қобилияти қуидаги ифода орқали аниқланади.

$$V = \frac{\Pi \cdot D_{\text{иҷ}}^2}{4} \cdot 10^{-6} \cdot 3600 \quad \text{m}^3/\text{соат}$$

Соатли клапонли ҳисоблагич рақамли кўрсатгичлари фарқи  $\Delta m$  га қараб,  $\tau$  дақиқа кузатишлардаги ҳисоблагични ўтказувчанлик қобилиятини (секунд) ўлчагичда аниқланади.

У қуидагига мос келиши керак:

$$V^1 = V \cdot \frac{\Delta \cdot m}{\tau} \cdot 60 \quad \text{m}^3/\text{соат}$$

$V$  ва  $V^1$  нинг қийматлари орасидаги мувофиқ келмаслик ўлчашларда ва ҳисобларда қўйилган катта хатоликни кўрсатади.

$V$  ва  $P_2$  нинг қийматларига қараб эквивалент тешикнинг талаб қилинган кесими аниқланади.

$$F_3 = \frac{V_{cek}}{7,5 \cdot \sqrt{P}}$$

$F_3$  ва  $F_3^1$  нинг қийматлари солиштирилади.

Ўлчашлар ва ҳисоблашлар натижаси жадвалга киритамиз.

Ўлчаш қийматлари							Ҳисоблар натижаси						
$P^d$ НФМ <sup>2</sup>	$P_1$ НФМ <sup>2</sup>	$P_2^d$ НФМ <sup>2</sup>	$D_{иch}$ м	$D^d$ м	$\Delta m$	дақиқа	$\Delta P$ НФМ <sup>2</sup>	$w_A$ МФСЕК	$w_B$ МФСЕК	$V$ м <sup>3</sup> фсоат	$V^1$ м <sup>3</sup> фсоат	$F_3$ м <sup>2</sup>	$F_3^1$ м <sup>2</sup>


#### ТАЖРИБА ИШИ № 4


#### Газ плитасида ёқилган газ сарфини аниқлаш.

##### I.Ишнинг мақсади.

Ишнинг асосий мақсади ёндиригичда ёқилаётган газнинг сарфини аниқлаш усулларини ўрганиш, ҳамда газ асбобининг иссиқлик нагрузкаси, иссиқлик ишлаб-чиқариш қуввати ва унинг фойдали иш коэффициентини аниқлашдир.

##### II.Тажриба қурилмасининг тузилиши.





Тажриба қурилмасининг принципиал чизмаси 1-расмда кўрсатилган.

Газ плитаси ёндиригичини синаш суюлтирилган газда ўтказилади. +урима суюқ газ баллони (8), босим созлагич (7) ва ёқилаётган газ сарфини ўлчагич (4) билан баллонни туташтирувчи газ қувуридан (6) иборат. Газ ўлчагич (ГСБ-400 ёки РС-3 ротаметри) газ плитаси билан қувур (3) орқали уланган; У шаклидаги сувли манометр (5) газ қувуридаги (9) босимни ўлчашга хизмат қиласиди; У шаклидаги сувли манометр (2) газнинг ёндиригич соплоси олдидаги босимини кўрсатади.

Ёндиригич ёқиладиган газ сарфини ўлчаш учун барабанли газ ўлчагичлар ёки ротаметрлар ишлатилади.

### III. Газ сарфини ўлчаш

#### I. Вариант.

Ёндиригичда ёқиладиган газнинг сарфи суюқлик билан тўлдирилган номинал сарфи  $400 \text{ дм}^3/\text{соат}$  бўлган барабанли ГСБ-400 газ ўлчагич ёрдамида ўлчанади.

ГСБ-400 газ ўлчагич қуйидагича тузилган: газ кириш (1) ва чиқиш найчалари (7); иккита термометр ва У шаклидаги манометрни улаш штуцерлари (4),(5) ва (10); ўлчагични сув билан тўлдириш учун мослама (6) ; сув чиқариш жўмраги (14); сувни тушириш найчаси (13) ва жўмрак (12) билан таъминланган сув сатхини ўлчагич (11); кўрсатиш милли (тили, стрелкаси)(8); саноқ қурилмаси (9); махкамлаш қулфлари (2); ўлчагични горизонтал ҳолда ўрнатиш учун созлаш винтлари (15) ва шайтон (3).

(4),(5) ва (10) штуцерларга резина қистирмалар ва накидной гайкалар ёрдамида термометрлар ва шкаласининг ноль даражасигача сув билан тўлдирилган У шаклидаги манометрлар махкамланади. Газ ўлчагичда жўмрак (14) ёпиқ ва жўмрак (12) очик бўлган ҳолда мослама (6) ёрдамида сув билан тўлдирилади. Ўлчагични сув билан тўлганлик даражасини сув тушириш найчаси (13) ёрдамида кузатилади.

Циферблотнинг энг кичик бўлган  $0,02 \text{ дм}^3$  га тўғри келади, кўрсатиш хатолиги  $\pm 1\%$ .

$\tau$  (мин) вақт мобайнида ўлчанган газнинг ҳажми  $V \text{ м}^3$ , санаш қурилмасининг тажриба бошидаги ( $m_1$ ) ва охиридаги ( $m_2$ ) кўрсаткичлари фарқи ёрдамида топилади.

$$V = \frac{m_2 - m_1}{1000} \quad (1)$$

Ўлчанган газнинг ҳажмини нормал шароитга қўйидаги формула ёрдамида ўтказилади.

$$V_H = V \frac{P_0 + P_r - P}{760} \cdot \frac{273}{273 + t_r} \quad (2)$$

бу ерда  $V_H$  - нормал шароитга келтирилган газнинг ҳажми,  $\text{нм}^3$ ;

$V$  - ўлчанган газнинг ҳажми,  $\text{м}^3$ ;

$P_0$  - ўртача барометрик босим, Па ( $P_0 \approx 10^5$  Па);

$P_r$  - газнинг босими, Па;

$P$  - ўртача ҳароратдаги  $t_r$  (град) газ таркибидаги тўйинган сув буғлари босими, Па;

$P \approx 5000$  Па.

$P_2$ - газнинг ёндиригич соплоси олдидаги босими, Па.

Нормал шароитга келтирилган ёндиригичдаги газнинг сарфи қўйидагicha топилади:

$$V_r = V_H \frac{60}{\tau} \quad \text{нм}^3 / \text{соат} \quad (3)$$

Ўлчанган ва ҳисоблаб топилган қийматлар 1- жадвалга ёзилади.

1- жадвал

№	Ўлчанган миқдорлар						Ўлчовларни ишлаш натижалари			
	$P_0$ , Па	$P_r$ , Па	$t_r$ , град	$\tau$ , мин	$m_1$	$m_2$	$P_2$ , Па	$P$ , Па	$V$ , $\text{м}^3$	$V_H$ , $\text{нм}^3$
1										
2										

ГСБ-400 типидаги газ ўлчагичда газнинг сарфини ўлчаш тартиб:

1. Атмасфера босими  $P_0$  (Па), ўлчагичдаги газнинг босими  $P_r$  (Па), газнинг ҳарорати  $t_r$  ( $^0\text{C}$ ), тажриба ўтказиш даври  $\tau$  (мин) ва газ ўлчагичнинг тажриба боши ( $m_1$ ) ва охиридаги ( $m_2$ ) кўрсаткичлари ўлчанади.

2. Ўлчанган миқдорлар асосида қўйидагилар аниқланади: газнинг ўлчагичдаги босими; (1) формуладан  $\tau$  (мин) вақт ичида газнинг ҳажми; (2) формуладан ўлчанган газнинг нормал шароитга келтирилган ҳажми; (3) формуладан нормал шароитга келтирилган ёндиригичдаги газнинг соатлик сарфи.

3. 1 ва 2 пунктларда келтирилган ўлчамлар ва уларни ҳисоблаш уч маротаба такрорланади. Топилган миқдорлар ёрдамида  $V_r=f(P_2)$  боғликлек графиги чизилади.

#### IV. ГАЗ САРФИНИ ЎЛЧАШ.

## II-вариант.

Ёндиригичда ёндириладиган газнинг сарфини ўлчаш РС-3 ротаметри ёрдамида амалга оширилади. Ротаметрлар суйри (обтекаемый) ўлчагичлар турига киради. Суйри ўлчагичлар деб, асосий элементи ( қалқиб турувчи пўкақ, поршень, диск ёки қанот) уни ювиб ўтувчи оқимнинг динамик босимини қабул қилиб, ўтаётган газнинг миқдорига кўра шиша найча ичида харакатланувчи ўлчаш асблорига айтилади.

Ротаметр ичида қалқиб туривчи пўкақ харакатланадиган конус шаклидги найчадан иборат. Ротаметрларнинг афзалликлари - кўрсаткичларнинг аниқлиги, кичик сарфларни ўлчаш мумкинлиги, ўлчаш диапазонининг кенглиги (10:1), нисбий хатоликнинг доимийлиги ( $\pm 1,5$ ), босим йўқотилишининг катта эмаслигидир.

Ротаметрлар оқимни фақат бир йўналишда-пастдан юқорига-ўтказади, шунинг учун уларни қатъий тик ҳолатда ўрнатиш зарур. Кўрсаткичлар оқим барқарорлашган вақтда сузиб юрувчи пўкақнинг устки юзасидан бошлаб ўлчанади. Ротаметр кўрсаткичлари орқали 2-расмда келтирилган графикдан газнинг сарфи аниқланади. Агар ротаметр  $\gamma_1$  солиштирма оғирликдаги газнинг ўлчашга мўлжалланган бўлиб бирор бошқа солиштирма оғирликдаги газнинг сарфини аниқлаш зарур бўлса қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$V_8 = V_{y_{ulq}} \sqrt{\frac{\gamma_1}{\gamma_2}}$$

бу ерда  $V_{y_{ulq}}$  - ўлчанган газнинг сарфи,  $\text{м}^3/\text{соат}$ , (графикдан олинади)

-асбобда ўлчашга мўлжалланган солиштирма оғирлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ,

$\gamma_1$  ҳаво учун  $\text{кг}/\text{м}^3$        $\gamma_1 = 1,293 \text{ кг}/\text{м}^3$


-  $\gamma_2$  сарфи аниқланадиган газнинг солиштирма оғирлиги,  
пропан                  учун  $\gamma_2 = 2,019 \text{ кг}/\text{м}^3$

Ёндиригич кранинг ( жўмрагининг ) очилиш даражаси турлича бўлганда ёндиригичнинг соплоси олдидаги газ босими ( $P_2$ ) ва шу кўрсаткичларга мос келувчи сарфларни аниқланади.

Ўлчанган миқдорлар 2-жадвалга ёзилади ва  $V_q = f(P_2)$  графиги чизилади.

2-жадвал

$P_2 \text{ кг}/\text{м}^3$						
$V_q \text{ м}^3/\text{соат}$						



2-расм. Газ сарфини ротаметр РС-3 № 16070 ёрдамида аниқлаш графиги

### ТАЖРИБА ИШИ № 5

ГАЗ ЁНДИРГИЧЛАРНИ ИССИ+ЛИК НАГРУЗКАСИ, ИССИ+ЛИКИШЛАБ ЧИ+АРИШ +УВВАТИ ВА ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИ АНИ+ЛАШ

Асбобнинг иссиқлик нагрузкаси деб, газнинг пастки иссиқлик бериш қобилиятини  $Q_H^P$  унинг сарфи  $V_H$  бўлган кўпайтмайтмасига айтилади


$$Q_r = Q_H^P \cdot V_H \quad \text{жоуль}$$

Таркиби аниқ бўлган иссиқлик бериш қобилиятини қуидагича топиш мумикин

$$Q_H^P = \left[ 30,5 \cdot CO + 85,5 \cdot CH_4 + 152 \cdot C_2H_6 + 217 \cdot C_3H_8 \dots + 145,6 \cdot C_2H_4 + 208,5 \cdot C_3H_6 + 25,7 \cdot H_2 \right] \cdot 4,18$$

Суюқ пропан баллон ёрдамида ишловчи тажриба қурилмаси учун, юқорида келтирилган формула ёрдамида аниқланган  $C_3H_8$ , нинг иссиқлик бериш қобилияти.

$$Q_H^P \approx 90911 \text{ кжг нм}^3 \quad (Q_H^P \approx 21800 \text{ Ккал / нм}^3) \text{ га teng}$$



Асбобнинг иссиқлик ишлаб чиқариш қуввати  $Q_\phi$  деб газ ёниши натижасида иситилаётган жисмга узатилган фойдали иссиқлик микдорига айтилади. Фойдали ишлатилган иссиқлик, сувни  $Q_c$ , идишни  $Q_i$ , хамда атоф

мухитга узатилган иссиқлик  $Q_a$  миқдорларининг йифиндисидан ташкил топади, яъни

$$Q_\phi = Q_c + Q_u + Qa \quad ; \text{ жоуль}$$

Сувни иситишга сарфланган иссиқлик қуйидаги формуладан аниқланади

$$Q_c = G_c \cdot C_c (t_o - t_b), \quad \text{жоуль}$$

бунда  $G_c$ -идишдаги сувни массаси, кг;

$C_c$ -сувнинг иссиқлик сигими коэффиценти, кж/кг град,

$$C_c - 418 \text{ кж/кг град},$$

$t_b$ ;  $t_o$ - сувнинг тажриба бошидаги ва охиридаги ҳарорати, град.

Идишни иситишга сарфланадиган иссиқлик

$$Q_u = G_u \cdot C_c (t_o - t_b), \quad \text{жоуль}$$

бунда  $G_u$ -идиш массаси, кг;

$C_u$ -идишнинг иссиқлик сигими коэффиценти, кж/кг град,

$$C_u - 0,89 \text{ кж/кг град},$$

$t_b; t_o$ - идиш деворининг бошланғич ва тажриба охиридаги ҳароратига тенг деб қабул қилинади, град.

Идиш сиртидан атроф-мухитга йўқотиладиган иссиқлик миқдори

$$Q_a = Q_a^K + Q_a^P, \quad \text{жоуль};$$

бунда  $Q_a^K$  – конвектив усулида узатиладиган иссиқлик миқдори.

Идиш сирти ёнган газ билан « ювилишини» назарда тутиб  $Q_a^K = 0$  деб қабул қилинади;

$Q_a^P$  -радиация орқали узатиладиган иссиқлик қуйидагича аниқланади.

$$Q_a^P = E \cdot C_c \cdot F \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right] \frac{\tau}{60}, \quad \text{жоуль}$$

бунда  $E$ -тўлиқ нормал нурланишнинг қоралик даражаси, Еқ025;

$C_c$ -абсолют қора жисмнинг нурланиш коэффиценти,

$C_c = 5,7 \text{ Вт/ м}^2 \text{ град}^4$  ( $C_c = 4,96 \text{ ккал/ м}^2 \text{ соат K}^4$ );

$F$ -идишнинг иссиқлик алмашиниш юзаси,  $\text{м}^2$ ;

$T_1$ -идиш сиртининг ҳарорати, К;

$$T_1 = \frac{t_b + t_o}{2} + 273$$

$T_2$ -атроф ҳавосининг ҳарорати, К;

$\tau$  -тажриба даври, мин.

Идишнинг иссиқлик алмашиниш юзаси

$$F = \Pi d h + \frac{\Pi d^2}{4}$$

$d$ -идишнинг ташқари диаметри, м.

$h$ -идишнинг баландлиги, м.

Ўлчанган ва ҳисобланган миқдорлар З-жадвалга киритилади.

Ўлчанган миқдорлар	Ҳисоблаш натижалари
--------------------	---------------------

$t_0$ °C	$t_o$ °C	$G_c$ кг	$G_u$ кг	$Q_h^p$ , к ж/м³	$V_h$ нм³/с	$\tau$ , мин	$Q_{\Gamma,ж}$	$Q_{c,ж}$	$Q_{i,ж}$	$Q_{a,ж}$	$Q_{\phi,ж}$

Ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари камида икки марта бажарилади.

Ёндиригичнинг фойдали иш коэффиценти (Ф.И.К) фойдали иссиқлик микдори  $Q_{\phi}$  асбоб иссиқлик нагрузкасига  $Q_{\Gamma}$  бўлган нисбатга тенг

$$\eta = \frac{Q_{\phi}}{Q_{\Gamma}} \cdot 100\%$$

Газнинг сопло олдидаги босимининг уч хил микдори, яъни  $P_2$  қ 800; 1000; 1200 Па учун ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари бажарилади. Аниқланган  $V_h$ ,  $Q_{\Gamma}$  ва  $Q_{\phi}$  микдорларга кўра ёндиригичнинг Ф.И.К. аниқлаб  $\eta = f(P_2)$  графити чизилади.

Ўлчаш ва ҳисоблаш натижалари 4-жадвалга ёзилади.

#### 4-жадвал

$P_2$ , Па	$Q_h^p$ , ж/нм³	$V_h$ , нм³	$Q_{\Gamma}$ , ж	$Q_{\phi}$ , ж	$\eta$ , %

### ТАЖРИБА ИШИ №6

#### Босим созлагичнинг ўтказиш қобилятигининг аниқлаш.

1.Ишдан кўзда тутилган мақсад ва тажриба қурилмасининг схемаси.

Ишдан кўзда тутилган мақсад газ созлаш пункти ГПР (ГПС) нинг схемаси билан танишиш, босим созлагичнинг тузилиши ва ишлаш тартибини ўрганишдан иборат. Газ тақсимлаш тармоқларида газ босимининг ўзгариб туришидан қатъий назар, ёндиригичлар олдида унинг босимлари ўзгармай туришини таъминлаш учун майший хўжаликлар ва саонат корхоналарида ГПС лар ва ГРУ ГС+ лар (Газ созлаш қурилмалари) ўрнатилади. +озонлар, печкалар ва бошқа истеъмолчиларнинг ўтхоналарида газ ёндиригичлар олдидаги газ босими уларнинг техникавий тавсифномасига мос келмаса, газ ёкиш хавфсиз ва самарали бўлмайди.

Газ босими ҳисобий катталигича камайиши ва уни ГСП ва ГС+ ларда ўзгартирмасдан сақлаш билан бир вақтда газ чет қўшилмалардан тозалаади ҳамда созлагичдан кейин унинг босими йўл қўйилган чегаралардан ортиб ёки камайиб кетганида, истеъмолчиларга берилиши тўхтатиб қўйилади.

ГСП иккита ёки ундан кўп цехлар, уйлар газ билан таъминланганида ўрнатилади, ГС+ эса газдан битта цех, хона ва шу кабилар фойдаланилганида бевосита истеъмолчи ёнида қурилади.

РД типидаги созлагичлар саноат агрегатларини ва паст босимида ишлайдиган уй-рўзгор асбобларини газ билан таъминлашда жуда кўп ишлатилмоқда.

Босим созлагичлар дроселловчи орган орқали ўтадиган газ микдорларини ўзгартириш йўли билан газ босимини камайтиради ва белгиланган чегараларда унинг босимини ўзгартирмасдан сақлаб турилади.

Амалиёт стендида ШП-2 типидаги шкафга ўрнатилган ГСП дан фойдаланилган, у бевосита таъсир этувчи Рд-50 м босим созлагичга эга бўлиб, ўртача ёки юқорини паст босимга ўзгартиради (I; 3,5 кПа).


Бундай ГСП лар сарфи 750 м<sup>3</sup> (соатгача бўлган истеъмолчилар ёнида ўрнатилиши мумкин. РД-50 м босим созлагич 1-расм) созланадиган босим таъсирида турадиган мембрана воситасида ишлайдиган дросセル қурилмасидир. Созланадиган газ босимининг ҳар қандай ўзгаришида мембрана I силжийди, у билан бирга дросセル қурилмаси (клапан) 7 нинг ўтказиш кесими ҳам ўзгариади, натижада созлагич орқали ўтадиган газ оқими ҳам ё камаяди ё кўпаяди. У қуидагича ишлайди.

ГСП босимининг охирги (чиқиши) импульси найча 9 орқали созлагич мембраннынинг (созлагич) остидаги бўшлиққа келади ва газ-бензин - совукқа чидайдиган резинадан тайёрланган мембрана I ни силжитишига уринади, бироқ бунга созланадиган пружина 2 нинг босими қаршилик қиласида, бу билан мембраннынинг мувозанат ҳолати таъминланади. Газ сарфи ортганида унинг созлагичдан кейинги босими ҳам камаяди. Шу пайтгача бузилмай келган мувозанат бузилади, мембрана пружина 2 таъсирида пастга томонга силжийди ва ричагли механизм 10 орқали поршень 5 ни клапан 7 дан четланади, газ сарфи ортади ва охирги босим тикланади.

Газ сарфи камайганда созлагичдан кейинги охирги босим ортади ва созлаш жараёни тескари тартибда ўтади. Гайка 3 ва созлаш винти 4 ёрдамида пружина 2ни сиқиши йўли билан созлагич газнинг талаб этилган чиқиши босимига созланади.

Газ сарфи бўлмаганида газнинг охирги босимининг клапанининг етарлича ёпилмаганлиги туфайли ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши мумкин.

Буни олдини олиш учун РД-50 м созлагичларида мембрана қутисига ўрнатилган мембрана-пружинали чиқариш клапани II бор. Бу клапан газнинг бир қисмини босим ишчи босимдан 10...15 га ортиб кетганида, атмосферага чиқариб юборади. Натижада сақлаш-беркитиш клапани ПКК-40 м нинг бевақт ишга тушишининг олдини олади, ПКК-40 м клапани газнинг чиқиши босими ишчи босимдан 20% ортиб кетганида газ беришни тўхтатиб қўяди.



2-расм.

Созлагичнинг ўтказиш қобилятини аниқлаш қурилмаси  
кўрсатилган:

2-расмда

- 1-электр компрессор
  - 2-хаво йигадиган ва босим ўзгаришини камайтирадиган рессивер.
  - 3-кириш босимни ўзгартириш редуктори
  - 4-бошланғич босимни кўрсатадиган манометр
  - 5- созлаш линиясини узиб қўйиш жўмраклари
  - 6-тўрли сузгич
  - 7- сузгичдаги босимнинг пасайишини ўлчаш линияси
  - 8-сақлаш-беркитиш клапани ПКК-40 м
  - 9-РД-50 м босим созлагич
  - 10- ичкарига ўрнатилган пружинали чиқариш клапани
  - 11-чиқариш қувури
  - 12-охирги босимнинг имъпулсли линияси
  - 13-охирги босимни кўрсатувчи манометр
  - 14-айлантириб ўтказиш линиясидаги жўмраклар
  - 15-газнинг ҳисоблагич олдидағи ҳароратини кўрсатувчи термометр
  - 16-ротацион газ ҳисоблагич РГ-40
  - 17-ҳисоблагични узиб қўйиш жўмраклари
  - 18-ҳисоблагичнинг айлантириб ўтказиш линиясидаги жўмрак

Ишчи муҳити сифатида электр компрессор узатадиган ҳаводан фойдаланилади.

## 2. Тажриба ўтказиш

Компрессор ишга туширилади, ГСП олдидағи керакли босим редуктор 3 ёрдамида белгилаб қўйилади. Созлагич олдидағи босим манометр 4 нинг кўрсатиши бўйича аниқланади, созлагичдан кейинги босим суюқлик манометри 13 бўйича аниқланади. Газнинг ҳисоблагич олдидағи харорати термометр 15 билан аниқланади.

Тажриба З дақиқа давом этади. Тажриба ҳар бир кириш бсимида камидан икки марта тақрорланади. Мутлоқ кириш босимини 0,6; 0,5; 0,4; 0,3; 0,2 Мпа қилиб олиш тавсия этилади.

### 3. Тажриба натижаларига ишлов бериш.

Созлагич ўтказиш қобилияти икки йўл: ҳисоблаш ва тажриба йўли билан аниқланади.

Манометрлар нинг кўрсатиши	Газ ҳаро рати	Таж риба вақт	Хисоблагич нинг кўрсатиши	Баро метрик босим	Газнинг Тажриба сарфи	Хисобий сарф			
P <sub>1</sub> кПа	P <sub>2</sub> кПа	T, C <sup>0</sup>	γ, МИН	Тажриба Боши m <sub>1,M</sub> <sup>3</sup>	Тажриба охир m <sub>2,M</sub> <sup>3</sup>	P <sub>a</sub> кПа	V <sub>1</sub> M <sup>3</sup> /C	V <sub>2</sub> M <sup>3</sup> /C	V <sub>P</sub>

--	--	--	--	--	--	--	--

Созлагичнинг ўтказиш қобилятини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.

Газнинг созлагичи орган орқали ўтиши шароитлари газнинг тор тешик орқали ўтиш шароитларига ўхшашдир, шунинг учун дросセル органлари тешиклардан ва соплолардан оқиб чиқиш назариясига асосланган ифодалар бўйича ҳисобланади. Газнинг дросセル органлари орқали тсаффини аниқлашда икки ҳолни бир-биридан фарқлаш зарур. (оқиб чиқишга таъсир этувчи босимлар нисбатининг катталигига қараб):

а)  $\frac{P_2}{P_1} > \beta_{kp}$  -созлагичдан кейинги босимнинг созлагичга бўлган босимга нисбати критик босимдан катта, уни қўйидаги ифодадан ҳисоблаш мумкин

$$\beta_{kp} = \left( \frac{2}{K+1} \right)^{\frac{K}{K-1}},$$

бу ерда К-адиабата кўрсаткич;

К-1,4(ҳаво) учун  $\beta_{kp} = 0,528$ ;

К-1,3 (табиий газ)  $\beta_{kp} = 0,546$ .

Бу ҳол учун нормал физик шароитларга ( $P_k=101,3$  кПа ва  $T_k=273^0\text{K}$ ) келтирилган газнинг дросセル қурилмаси орқали сарфи қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$V_p = \mu F \sqrt{2 \frac{I}{K-1} \left[ \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{2}{K}} - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{K-1}{K}} \right] \frac{\sqrt{P_1 \cdot P_2}}{\rho_H}}; \text{ м}^3/\text{с}$$

бу ерда  $F$ - дросセル органи ўтказиш кесимининг юзи,  $\text{м}^2$ ;

$\mu$  - сарф этиш коэффиценти, у торайтирувчи қурилманинг тузилиши ва турига ҳамда торайтирувчи қурилма юзининг қувур юзига нисбатан боғлиқ (тажриба натижаларига кўра  $\mu = 0,6, \dots, 0,8$ );

$P_1, P_2$ - газнинг созлагичга ва созлагичдан кейинги мутлоқ босими, кПа;

$\rho_1$  - газнинг созлагич олдидағи зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$

$\rho_H$  - газнинг нормал физик шароитлардаги зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$

$$\rho_1 = \rho_H \frac{(P_1 + P_B)273}{101,3T_1}$$

Бу ерда  $P_B$ - барометрик босим, метеорологик анероид бўйича аниқланади, кПа;

$T_1$ - газнинг созлагич олдидағи мутлоқ ҳарорати,  $\text{K}$ ;

б)  $P_2 / P_1 \leq \beta_{kp}$ . Бу ҳол учун қўйидаги ифода тўғридир

$$V_p = \mu F \sqrt{2 \frac{K}{K+1} \left( \frac{2}{R+1} \right)^{\frac{2}{K-1}} \frac{\sqrt{P_1 \cdot P_2}}{\rho_H}}; \text{ м}^3/\text{с}$$

Ўтказиш қобилятини ҳисоблагиң бўйича тажриба йўли билан аниқлаш.

Газнинг ҳақиқий сарфи қуидаги аниқланади:

$$V_1 = \frac{m_2 - m_1}{\tau}; \text{ м}^3/\text{с}$$

Нормал шароитларга келтирилган сарф қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$V_H = V \frac{(P_2 + P_B)273}{101,3}; \text{ м}^3/\text{с}$$

бу ерда  $m_1, m_2$ - ҳисоблагичнинг тажриба бошлагунча ва тажриба охиридаги кўрсатишлари,  $\text{м}^3$ ;

$\tau$  - тажриба давом этган вақт.


Барча олинган қийматлар жадвалга ёзилади ва сарфнинг кириш босимиға боғлиқ графиги  $V_H = f(P_1)$  қурилади.

## Тажриба иши № 7

### Маиший газ плитасидаги инжекцияли ёндиригичнинг коэффициентини аниқлаш.

#### I.Ишнинг мақсади ва услуби.

Ҳамма газ асбобларида оддий паст босимли кўп алангали инжекцияли ёндиригичлар қўлланилади. Ёндиригични яхши ёнишини таъминлаш учун уни қисман инжекцияли ҳавонинг 60-70 % миқдорида газнинг назарий тўла ёниши ҳисобга олинади. Ҳаво инжекцияли ёндиригичларидаги, бирламчи ҳаво деб айтилади: ориқча ҳаво коэффициенти  $\alpha$ , билан белгиланади. +олган ҳаво қсими (иккинчи), газнинг тўла ёниши учун аторф муҳитдан алангага боради. Ёндиригичга келаётган бирламчи ҳаво миқдори заслонка билан бошқарилади ёки ёндиригич корпусни ҳолати соплага нисбатан олинади.



1-чизма маиший газ плиталарини инжекцияли ёндиригичи.

Инжекцияли ёндиригич қуидагилардан тузилган: сопла (3), аралаштиргич (1), горелка наодкаси (2) ва заслонка (4) атроф муҳитдаги ҳавони аралаштиргичга киришини бошқариш учун керак. Сопла потенциал энергияни кинетик энергияга айлантириб бериш учун хизмат қиласи. Газ оқими сопладан катта тезликда чиқиши инжекторда сийраклаштириб ёндиригич бирламчи

ҳавони сўриб олади. Коллектор ёндиригични тешикларига газли ҳаво аралашмасини тақсимлаш учун хизмат қилади. Коллектор шакли ва тешикларни жойлашиши қиздирадиган юзани шаклига қараб аниқланади. Ёндиригични конструкциясини ўзгариши ҳаво нисбати (пропорцияси) газли ҳаво аралашмаси билан биргаликда ҳисоблаб кўрилади, сопла олдидаги газни босимини ўзгаришига қарамасдан инжекция ( $A$ ) коэффициенти деб ҳаво миқдорини  $1 \text{ m}^3$  газга сўриб олинишига айтилади. У газ тезлигига нисбатан  $\omega_r$  ва горелка бўйнидаги  $\omega_{ap}$  газ ҳаво аралашмасига боғлиқ бўлади, яъни  $\rho_r$  газ ва  $\rho_x$  ҳаво зичлигини наслатига боғлиқ бўлади.

Ҳаракат миқдорини сақланиш қонунига асосан қуийдаги тенгламани ёзишимиз мумкин:

$$\omega_r \cdot \rho_r \leq \omega_{ap} (\rho_r + A \cdot \rho_x) \quad (1)$$

бундан

$$A = \frac{(\omega_r - \omega_{ap}) \cdot \rho_r}{\omega_{ap} \cdot \rho_x} \quad (2)$$

Газни  $\omega_r$  тезлигини камайиши қуийдаги формула билан аниқланади.

$$\omega_r = \varphi \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot p_r}{\rho_r}}$$

бу ерда  $P_r$  - ёндиригични соплоси олдидаги газни босими Па;

$\rho_r$  - газни зичлиги  $\text{kg/m}^3$ ;

$\varphi$  - коэффициент, газ оқимининг тезлигини нотекис тақсимланиш сопло кесимини ва ундаги қаршиликни ҳисобга олган ҳолда ( $\varphi \approx 0,8 \div 0,87$ ).

Газ ҳаво аралашмасини ҳаракат тезлиги қуийдаги формула билан аниқланади.

$$\omega_{ap} = \sqrt{\frac{2 \cdot \Delta P}{\rho_{ap}}}$$

Бу ерда  $\Delta P$  - ёниргични аралаштиргичдаги тўла ва статик босимлар орасидаги фарқ динамик босим.

Инжекция кэффициенти бошқа усул билан аниқлаш мумкин, газни анализ қилиш йўли билан газ ҳаво аралашмасидаги  $O_2$  ва  $N_2$  миқдорига қаралади. Бу усулда инжекция коэффициентини формуласи қуийдаги кўринишга эга бўлади.

$$A = \frac{C_{ap} - C_r}{C_x - C_{ap}} \quad (3)$$


Бу ерда  $C_r, C_{ap}, C_x$  - газ, ҳаво ва аралашмаси таркибини аниқловчи концентрасияни тўғри келиши %.

Агарда аниқловчи таркибидан  $O_2$  ни ажратиб оладиган бўлсак ва у газда бўлмаса, суюлтирилган газда ўрин олган бўлса бунда 2 формула қуийдаги кўринишни олади:

$$A = \frac{C_{ap}}{C_x - C_{ap}} \quad (4)$$

## II. Тажриба ўтказиш қурилмаси.

2-расмда тажриба ўтказиш қурилмасини схемаси кўрсатилган. Манометр (2) газ босимини ўлчаш учун ишлатилади ва дифференциал монометр (3) ёндиригич (1) бўйидаги динамик босимни ўлчаш учун қувур (4) ҳаво газ аралашмасини текширишга олиш учун хизмат қиласи.



## 2-чизма Тажриба ўтказиш қурилмасинингкинематик схемаси.

Тажриба ёндиригични ёқиши билан бошланади. Газни босими 3000 Па га тенг қилиб олинади. А коэффицентни аниқлаш учун биринчи усулдан фойдаланилади ва аниқланган ўлчамлар 1 жадвалга киритилади.

1 жадвал.

№	Газни босими $P_g$ , Па	босимлар фарқи $\Delta P$ , Па	зичлиги			Ҳарорат		$P_x$ , Па
			$\rho_x$	$\rho_g$	$\rho_{ap}$	$t$ газ	$t$ ҳаво	
1								
2								

Инжекция коэффициенти 2-формула билан аниқланади. Иккинчи усул билан А ни аниқлаш қувурдан (4) груша ёрдамида газ ҳаво аралашмаси сўриб олинади ва О миқдори анализ қилинади, бундан кейин ҳаводаги  $O_2$  миқдори анализ қилинади. Газ ҳаво аралашмасини газоонализатор ВТИ-2 ёки ГХП да анализ қилиш мумкин.

Инжекция коэффициенти 4 -формула билан аниқланади.  
Тажриба 2 марта ўтказилади. Натижаларни 2-жадвалга киритилади.  
Инжекция коэффициентини ўртасаси олинади.

2 жадвал

Үлчамлар №	Кислородни мөкдори $O_2 \%$		Инжекция коэффициенти А
	Аралаш мада	Хавода	

## ТАЖРИБА ИШИ № 8

### Аланганинг нормал тарқалиш тезлигини аниқлаш.


I. Усулнинг маъноси.

Аланганинг нормал тарқалиш тезлиги  $U_n$  деб жами тўла ёниб бўлмаган аралашмага нисбатан унинг нормал юзалари бўйлаб фронтнинг ҳаракат тезлигига айтилади. Аланганинг нормал тарқалиши қўзғалмас (ҳаракатсиз) газ-хаво аралашмасида ёки аралашманинг ломинар оқимида мавжуд бўлади.

$U_n$  аралашманинг физик-кимёвий хоссалари асосида аниқланади, шунинг учун физик-кимёвий ўзгармас (констан) дир. Аланганинг тарқалиш тезлигини аниқловчи асосий катталиклар, газ тури унинг аралашмадаги кисларод билан аралашмаси (концентрацияси) ва ҳаво билан газнинг олдиндан қиздирилган ҳарорати ҳисобидандир.

Аланганинг нормал тарқалиш тезлигини аниқлашнинг тажриба усусларидан бири бунзен ёндиригичини қўллаш асосидаги усулдир. Бу усулни биринчи марта Гюн ва Мехельсонлар қўллашган.

Биринчи расмда Бунзен ёндиригич алангаси тасвир этилган. У ички 1 ва ташки 2 конслардан иборат. Ички конус тўхтатилган алана фронти юзаси акс эттириб бирламчи кислород билан таъминланган газ у ерда ёнади. Тўхтатилган алана фронти дегани 2 конус юзасини ҳар бир нуктасида алана тарқалиш тезлиги (у конус ичига йўналган) ва газ ҳаво аралашмаси оқимининг нормал ташкил этувчи тезлиги  $\omega$  оқими ўртасида тезлик борлигини билдиради.



1-расим. Тажриба ёндиригичининг аланга схемаси.


Ички конусда кинетик ёниш мавжуддир. Ташқи конусда қолган газ ташқи ҳаво ҳисобига ёнади. Бу орадаги ёниш диффузиясидир.

Ички конус геометрик жиҳатдан тўғри  $U_H$  ўзгармас катталиқда ва газ ҳаво аралашманинг чиқиши майдони ўзгармас катталиқда ва газ ҳаво аралашмасини чиқиши майдонининг тезлигини бир текис деб ҳисобласак, аланганинг нормал тарқалиш тезлигини аниқлашнинг оддий формуласини олишимиз мумкин. Бу ҳолда ташкил этувчи конуснинг қандайдир ўрта нуқтасидаги  $U_H$  газга тенг бўлган аланга тарқалишнинг ўртача тезлиги аниқланиди.

## II. Тажриба қурилмаси.

2- расимда тажриба қурилмасининг схемаси акс эттирилган. Босим регулятори (1) билан жиҳозланган балондан (2) газ ГСБ – 400 туркумидаги газ ҳисобланичига келиб тушади, ҳисоблагичда ёнадигон газ ҳароратини аниқлаш учун иссиқлик ўлчагич (термометр) ўрнатилган. Манометр (5) билан ортиқча газ босими аниқланади. Ҳисоблагичдан газ ёндиригичга (6) келади. Ички конус баландлигини ўлчаш учун ёндиригичда градусланган шиша цилиндр жойлаштирилган. Бўлинган чизиқлар қиймати мм.

Инжексия коэффициенти ва бирламчи ортиқча ҳаво коэффициенти аниқлаш учун, заборний қувурча (7) орқали газ ҳаво аралашмасида анализ олинади. Кейин эса бу анализда кислород борлигини анализ қилинади. Ёндириладигон газ таркибида кислород мавжудлигини ёндиришдан олдин ёки ишни бажариш жараёнида аниқлаш керак.



2-расим. Тажриба қурилмасининг схемаси.

Оқим майдони тезлигига имкони борича холи таъсир кўрсатиши мақсадида газ ҳаво аралашмаси анализи аста-секин олиниши лозим. Кислородни мавжудлиги бўлиниш чизиқлари қиймати  $0,05 \text{ см}^3$  бўлган газоанализаторлар ёрдамида аниқланади.

### III. Ишни бажариш тартиби.

1. Жами газ йўли (тракти) пуфланади ва газ ёндиригич ёқилади, шундан сўнг клапнлар (8,9) ёрдамида гарелкага иш режасини тўғрилигини таъминлаши керак.

2. Аланганинг ички конус баландлиги  $h_1$  газ температураси  $t_t$  ва ортиқча газ босими  $P_i$  ўлчанади.

3. Асператор ёки газоанализатор қурилмасига газ ҳаво аралашманинг анализи олинади. Ҳажм  $200 \text{ нм}^3$  ли газ ҳаво аралашмаси 4 минутдан тез бўлмаган вақт ичида олиниши керак (агар анализ газоанализатор ўлчов бюреткасига олинаётган бўлса, унда биринчи анализнинг атмосферага чиқариб юбориш керак иккинчисини эса анализга қолдирилади).

4. Олинган анализда кислород мавжудлиги анализ қилинади.

5. Ўлчов натижалари жадвалга ёзилади.

### IV. Тажриба натижаларини ишлаб чиқиш.

1. Газ ҳаракатини аниқлаш.

$$V_r = \frac{V}{\tau} ; \text{ м}^3/\text{соат}$$

2. Олинган газ ҳароратини нормал физик шароитига келтириш.

$$V_r'' = V_r \cdot \frac{P_r \cdot 273}{1013 \cdot T_r} ; \text{ м}^3/\text{соат}$$

бу ерда  $P_r$  - газнинг абсолют босими, гПа.

$$P_r = P_b + P_u - P_{u20}$$

$P_b$  - барометрик босим гПа

$P_{u20}$  - газнинг ҳароратидаги сув буғлари порциал босим ( $\#4$  иш 2 жадвал орқали аниқлаймиз).

$$T = t_r + 273 , \text{ К}$$

бу ерда  $t_g$  - газ ҳисоблагидағи термометр күрсаткичини ҳарорати  ${}^0\text{C}$ .

3. Аланга тарқалишини нармал тезлигини анықлаш.

$$U_h = \frac{V_{cm}}{\pi \cdot R \cdot \sqrt{h^2 + R^2}} = 0,318 \cdot \frac{V_{cm}}{R \cdot \sqrt{h^2 + R^2}} ; \text{ м/сек}$$

бу ерда  $R$  - ёндиригични ички радиуси, м.

$h$  - конус баландлиги, м.

$V_{ap}$ -газ-хаво аралашмасининг ҳажмий сарфи  $\text{m}^3/\text{с}$ .

$$V_{ap} = V_g^h + V_b$$

бу ерда  $V_g^h$  - газ сарфи  $\text{m}^3/\text{с}$ .

$V_x$  - хаво харакати  $\text{m}^3/\text{с}$ .

Хаво харакатини қуидаги формула орқали анықлаш мүмкін.

$$V_b = A \cdot V_g^h$$

бу ерда  $A$  - инжекциянинг ҳажм коэффициенти, газ анализ натижалари асосида анықланади (13- ишга қаранг).

$$A = \frac{O_2^{ap} - O_2^r}{20,9 - O_2^{ap}}$$

$O_2^{ap}$  ва  $O_2^r$  жадвалдан олинади.

жадвал

Үлчанадиган катталиклар	1 таж-риба	2 таж-риба	ўртача қиймат
Газнинг ортиқча босими $P_i$ , гПа			
Газнинг ҳарорати $t_g$ ${}^0\text{C}$ .			
Ички конус баландлиги $h$ , м.			
Ёнган газ мөлдөри $V$ , $\text{m}^3$ . (ҳисоблаги чүркемаси бўйича)			
Газнинг ёниш учун кетган вақти $V$ , $\text{m}^3$ , $\tau$			
Газ-хаво аралашмасида кисло-роднинг мавжудлиги $O_2^{ap}$ , %.			
Газдаги кислород мөлдөри $O_2^r$			

## ТАЖРИБА ИШИ №9

### Грунтларнинг коррозион активлигини аниқлаш

Грунтнинг коррозион мухит эканлиги

Грунтнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларга металлга каррозияловчи таъсир кўрсатганлиги сабабли қувурларнинг тупроқка тегиб турадиган юзалари ҳимояловчи изоляция қопламига (пассив ҳимоя) ва актив ҳимояяга (катодли, электр-кимёвий, дренажли, протекторли) эга бўлиши керак.

Грунт ва уларнинг ташкил этувчи моддалар қаттиқ, суюқ ва газсимон ҳолатда бўладиган мухитдир. Уларнинг асоси турли дисперсликда: бир неча сантиметрда (шағал, чақиқ тош) микроннинг улушларигача (чанг, каллоид ташкил этувчилар) бўлиши мумкин.

Ташкил этувчи заррачалар йўлчамига қараб тупроқ ва грунтлар қуидаги тавсифланади:

Заррачаларнинг диаметрлари	Ташкил этувчилар номи
$2 < d \leq 20$	шагал
$0,25 > d > 2$	қум
$0,01 > d > 0,25$	чанг
$d \leq 0,01$	лой
$d \leq 0,001$	лойнинг каллоид ташкил этувчилари.

Лойли, шўрҳоқ, чангли ва торфли грунтлар коррозион актив грунтлар ҳисобланади, чунки бундай грунтларда кимёвий ва биологик жиҳатдан актив «тупроқ электролит» деб юритиладиган моддаларнинг концентрацияси юқори бўлади.

Грунтнинг пўлатга нисбатан коррозион активлигини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири ионларнинг концентрацияси  $\text{Cl}, \text{SO}_4$  дир.

Бундай ионлар металларда ҳимоя пардалар ҳосил бўлишини кийинлаштиради, оксидланишга ёрдам беради.

Коррозиялаш хавфи грунтнинг сувга тўйинишига боғлик. Намликни ҳисоблаш (%) қуидаги формула бўйича бажарилади:

$$W = \frac{q_1 - q_2}{q_2} \cdot 100\%$$

бу ерда  $q_1$ -намликни аниқлаш учун олинган грунт массаси, кг;

$q_2$ - мутлоқ қуруқ грунтнинг массаси, кг;

Намлиги W қ 30% бўлган грунтда энг кучли коррозияланиш бўлади деб ҳисобланади. Бунда сувга тўйинмаган, яъни юмшоқ ва ғовак грунтларда кислороднинг тез диффузияланишига имконият яратилади,  $W > 30\%$  бўлганда эса кислород эрийди ва диффузияланиш тезлиги камаяди.


Коррозияланиш тезлигига грунтнинг ҳарорати ҳам таъсир қилади. Грунтнинг сутка ва йил давомида қизиши ва совуши натижасида иншоот алоҳида қисмларининг ҳароратида фарқ бўлади. Бу эса унинг айрим қисмлари ўртасида потенциаллар фарки вужудга келишига, ҳамда улар орасидаги коррозия токи оқишига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтилган омиллар ( дисперслик, тузлар, ишқорлар мавжудлиги намлик, ҳарорат ва х.к ) электр ўтказувчанлика ва унга тескари катталикка-грунтнинг электр қаршилигига таъсир қилади.

Мисол тарзида I- расмда грунт солиштирма электр қаршилигининг ҳарорат ва намлика боғлиқ графиклари кўрсатилган.

Грунт коррозион активлигини аниқлашнинг уч усули бор:

- дала усули - қувурлар трассасида бевосита зарур ўлчашларни бажариш усули ( грунтнинг солиштирма электр қаршилик усули );
- тажриба усули-тупроқ танлаб олиб, кейин уни тажрибада текшириш усули (пўлат массасининг камайиш усули );
- тажриба - дала усули - кўчма тажрибалардан фойдаланган ҳолда трассада бажариладиган ишлар.




1-расим.

Грунт солиштирма электр қаршилигининг намлик ва ҳароратга боғлиқлиги.

**ГРУНТНИНГ КОРРОЗИОН АКТИВЛИГИНИ ПЎЛАТ НАМУНАЛАР МАССАСИННИНГ КАМАЙИШИГА КЎРА АНИ+ЛАШ.**

Мазкур усул бўйича тадқиқотлар ўтқазиш учун қувурларнинг лойиҳаланаётган трассаларидан грунт намуналари олинади. Бу намуналар иншоот ётган чуқурликлардан бир жинсли грунт бўлганида 1000 м оралатиб, бир жинсли бўлмаганида грунтда 500 м оралатиб, шаҳар шароитида 50...200 м оралитиб қувурнинг ён деворидан 0,3...0,5 м масофада олинади. Намуна учун 1,5-2 кг грунтни полиэтилен халтага солиб, паспортга чуқурлик, объект, намуна олинган жой ёзиб, тажрибага жўнатилади.



3-расм. Гурунтининг коррозион активлигини пўлат намуна массасининг камайишига кўра аниқлаш қурилмаси.

Грунт қуритилади, 3-5 мм катталиқда майдаланилади, ҳавончада туйилади, элакдан ўтказилади (элакнинг кўзи 4 мм ).

#### Тадқиқот ўтқазиш.

Асбоб сифими 0,55 л ( 3-расм), диаметри 8 см ва баландлиги 12 см бўлган тунука банка I дан иборат. Узунлиги 100 мм, диаметри 19 мм ва масаси 155 гр бўлган найча 2 қумқоғоз ёрдамида занг ва қуйиндилардан тозаланади, ацетон билан ёғсизлантирилади, қуритилади ва бир неча кеча-кундуз давомида эксикаторда кристал ҳолдаги кальций хлорда сақланади ва торозида 0,1г аниқликда тортилади.

Найча маркаланади, оғирлиги маҳсус журналга ёзиб қўйилади. Сўнгра найча учига изоляцияловчи резина тиқин 6 кийдирилади ва банка солиниб, устидан текширилаётган грунт билан кўмилади, грунтни дистирланган (ёки қайнатилган ва сузилган) сув билан ҳўлланилади. Найча билан банка орасидаги бўшлиқни грунт билан тўлдириб, занжирга 6 В кучланишли батарея 24 соат давомида мусбат қутбини найчага, манфий қутбини банкага улаб қўйилади ( 3-расм). Бундай тадқиқот намунанинг электр-кимиявий коррозиясидан иборат бўлади. Бир неча-кундуздан кейин намуна коррозиядан катодли ҳўллаш йўли билан натрийгидроксиднинг 9 ли эритмасида 2...3 А ток кучида тозаланади, сув билан ювилади, қуритилади

ва 0,1 г аниқликда тортилади. Намуна массасининг камайишига кўра грунтнинг активлиги аниқланади.

1. паст	1 граммгача
2. ўртacha	1...2 гр
3. юқорироқ	2...3 гр
4. юқори	3...4 гр
5. жуда юқори	4 граммадан ортиқ.

### ТАЖРИБА ИШИ №10


#### Грунтнинг каррозион активлигини унинг солиштирма электр қаршилигига кўра аниқлаш.

Грунтнинг солиштирма электр қаршилигини қувурлар ётқизиладиган трассаларнинг грунт коррозион активлиги юқори, коррозиядан ҳимоя қилишни талаб этадиган жойларни аниқлаш, ҳамда катодли ва протекторли ҳимояни ҳисоблаш мақсадида аниқланди.

+увурлар трассаси бўйлаб солиштирма электр қаршилик 100. . . 500м оралатиб аниқланади. Ишлаб турган қувурлар тармоғида солиштирма электр қаршилик қувур ўқидан 1. . . 4 м масофада трасса бўйлаб ҳар 100. . . 200 м да ўлчанади. Ўлчашлар МС-09, М-416, Ф-416 туридаги электродли ерга уланиш қаршилигини ўлчагичлар ёрдамида бажарилади.

+урилиш нормалари ва қоидалари ( +Н+ ) грунтнинг солиштирма электр қаршилигига кўра коррозион активлиги тавсифи белгиланган

Грунт солиштирма электр қаршилигининг катталиги	100 дан ортиқ	20 дан 100 гача	10 дан 20 гача	5 дан 10 гача	5 дан кам
Грунтнинг коррозион активлиги	паст	ўртacha	Юқори роқ	Юқори	Ўта юқори



2-расм. Ўлчаш усули.

Ерга уланиш қаршилигини ўлчайдиган асбоб М-416 пластмасса корпусда ишланган, орқага ташланадиган қопқоғи бор ва кўтариб юриш учун тасмага эга. Корпуснинг пастки қисмида бураб чиқариладиган қопқоқ остида А-373 туридаги қуруқ элементдан 3 дона жойлаштирилади. Асбобнинг олд панелида ( 2-расм ) бошқариш органлари жойлашган:

- 1- улаш кнопкаси ( қизил рангли )
- 2- электордларни улаш учун учта қисми
- 3- асбоб шкаласи реохордини айлантириш дастаси
- 4- ўлчаш диапазонларини қайта улагич, позицияли
- 5- шкала.

Асбобни ишлашга тайёрлаш.

1.+уруқ элементлар таъминлаш бўлинмасига жойлаштирилиб, қопқоқ билан маҳкамлаб қўйилади.

2.Асбоб қопқоғи очилади, қайта улагич 4 «Контроль 5 Ом» вазиятига қўйилади, улаш кнопкаси 1 босилади ва «Реохорд 3» дастасини айлантириб, индикатор стрелкаси реохорд шкаласидаги ноль белгига қўйилади, бунда асбоб  $5 \pm 0,3$  Ом ни кўрсатиши зарур.

3.Зарур жойга тўғри чизик бўйлаб тенг оралиқларда тўртта электрод масофага қоқилади ( 2 дан 3,5 м гача -кувурларни ётқизиш чуқурлигига тенг бўлиши керак ).

4.Электрод сифатида узунлиги 250. . . 350 мм ва диаметри 15. . . 20 мм бўлган пўлат таёқлар ишлатиш мумкин. Электродларни қоқиши чуқурлиги «а» масофанинг 1/20 қисмидан ортиб кетмаслиги зарур. Асбобни улаш схемаси 2-расмда кўрсатилган.

5.Грунтнинг солиштирма қаршилиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\rho_{cp} = 2\pi aR ; \text{Омм}$$

бу ерда а-электродлар орасидаги масофа, м;

R-асбобнинг кўрсатиши, Ом;

6.Р катталик қўйидагича топилади: ўлчашга тайёрланган асбобда қайта улагич 4 иккинчи вазиятга қўйилади, кнопкa 1 босилади ва реохард 3 нинг сурилгичи билан асбоб стрелкаси шкаланинг ноль белгисига қўйилади. +ўзғалувчан шкаланинг кўрсатиши- биз излаган қиймат.

7.Ўлчашлар ва хисоблашлар натижасида қайдномага ёзилади.

+айднома намунаси.

Грунтнинг солиштирма қаршилигини М-416 асбоби билан ўлчаш.

Асбоб тайёрлайдиган корхона № 27936

Ўлчаш бажарилган вақт 2003 йил 26 август

Шаҳар Намангандан

Об-ҳаво Офтобли

№	Ўлчаш бажарилган манзилгоҳ	Грунтнинг юза тавсифино маси	Масо фа, м	+аршилик		Корразион активлик
				Ом	Гр. Ом.м	
1	Елхон қишлоғи 22-үй	+урук	1,5	0,8	7,5	Юқори
2	Мингчинор даҳаси 4-болалар богчаси	+урук	2,0	2,7	3,4	Ўртача
3	Косонсой кўчаси 601-ГПС	нам	2,5	1,6	2,5	Ўртача



